

Qishloq hayoti

Кишлoк ҳaёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013 йил Обод турмуш йили

2013-YIL 12-SENTABR, PAYSHANBA, 110 (8191)-son

1974-yil 1-yanvardan chiga boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

Бухоро Вилояти

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАДИ

A

кмал Зиёдуллаев Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицейда ўқувчи-ёшларга инглиз тилидан сабок беради. Шу билан бирга, Бухоро вилояти педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўқитувчи бўлиб иш-

лади. Турмуш ўртоги Раъно Зиёдуллаева эса Бухоро давлат университети инглиз филологияси кафедраси ўқитувчиси. Ҳавас ва ибратга лойик бу оиласда камолга етаётган Азиза ва Амирбек мактабда хориж тиллари бўйича ўtkaziladigan tanzovlarining doimiy fohili va sovrindorlariidir. Ular

kelgusida ota-onasi kasbini davom ettirib, чет тиллар ўқитувчиси бўлиш орзусида.

СУРАТДА: Акмал Зиёдуллаев турмуш ўртоги Раъно Зиёдуллаева ўғли Амирбек ва жияни Рухшона билан.

Тохир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

ИСТЕДОДЛИ ЁШЛАРГА ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ

Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамгармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслар маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган “Келажак овози” кўрик-тандовининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кўрик-тандовининг жорий йилги Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 44 нафар иқтидорли ёшлар ғолиб бўлди. Тадбирда “Архитектура ва дизайн”, “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар”, “Анъанавий ва амалий санъати”, “Адабиёт ва публицистика” номинациялари бўйича голибларни кўлга киритган истеъододли ёшлар кўргазмаси ташкил этилди.

— Мазкур тандовда “Адабиёт ва публицистика” номинацияси бўйича голибларни кўлга киритдим, — дейди Шахзода Базарбоева. — Келажакда билим ва маҳоратимни ошириш борасида кўп из-

ланиб, якуний босқичда ҳам голиблини кўлга киритишга ҳаракат қиласан.

Тадбир доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада Нукус шаҳри, Нукус, Кегайли, Хўжайли туманлариidan 46 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 522 та бўш иш ўринлари билан иштиrok этиди. Тадбирда 240 нафар ёшларга йўлланмалар, 272 нафарига мутахassislar томонидан маслаҳатlar берildi.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

Жиззах Вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва унинг жойлардаги бирлашмалари «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияларини ўтказмоқда.

СОГЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

— Акция лойиҳаси «Тозалик, озодалик – саломатлик гарови» деб номланниб, уни ўтказишдан кўзланган мақсад, биринчи синфга қатнай бошлаган ўқувчilarни соғлом турмуш тарзи асосларидан бири бўлган санитария-гигиена талаблariidan xabardor этиб, уларни тоза-озода юришга ўргатиш, турли юкумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблari ва уларнинг салбий оқибатлari ҳақида маълумотлар бериш эди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг масъул ходими Абдуллажон Бердиёров. — Тушуниши ва тарғибот ишларимизни ўкув пайтида бир соатли дарс сифатида, дарсдан ташқари вақтда интерфаол усулида ташкил этилди. Бу жараёнда кичкинот ўкувчilarning эмас, балки уларнинг отоналари ва ўқитувчilarни ҳам қизиқиш ва фаоллик кўrsatdilar.

Мирзачўл туманидаги 7-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбир таълим маскалari якинидаги лоток бўйida тоза ичмилик ва ариқ сувини таққослаш, хоссаларини заррабинлар орқали кузатиш тарзида интерфаол усулида ташкил этилди.

Бундай тадбирлар вилоятning бошқа туманлariдаги мактаблarda ҳам ўтказилиб, улар якунидаги жами 1014 нафар биринchi синф ўқувчисига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашinинг шахсий гигиенага оид жамланмалар совғаси ҳамда санитария-гигиена қоидалariiga бағишлиланган кўлланмалар топширилди.

Келди ДЎСТБЕК

▼ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛА ОБОД – ЎРТ ОБОД

Истиклол йилларида маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўғини сифатида ўзини тобора намоён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ортиб, ваколати кенгаймоқда. Бугунги кунда республикамиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий-иктисодий хусусиятга эга 30 дан зиёд вазифани бажарип келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Хусусан, маҳалланинг ёшлиарни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-куватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳолик ва тотувликини таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солишириб бўлмайди. Айниқса, унинг аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш марказига айланаб бораётгани диккатга сазовордир.

Жорий йилда янги таҳхирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқига кўтарилишига хизмат қилмоқда.

“Обод турмуш йили” давлат дастури доирасида барча маҳаллаларда “Обод уйим” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида жойларда янги иншоотлар, замонавий спорт майдончалари бунёд этилмоқда, инфратузилма яхшиланмоқда. Шунингдек, “Оила-маҳалла-тълим мусассаси” ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ижтимоий-мъанавий мухитни яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун



Фаргона вилояти Ўзбекистон туманинди “Нурсуҳ” қишлоқ фуқаролар йигини раиси Азизбек Ўринбоев, Тошкент шаҳар Олмазор туманинди “Аҳил” маҳалла фуқаролар йигини раиси Абдухолиқ Ваҳобов ва Андикон вилояти Жалақудук туманинди “Қўртқи” маҳалла фуқаролар йигини раиси Олимжон Зокиров.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

аҳоли ўз муаммолари ечими ни топишда маҳаллани энг яқин кўмакчи, деб билмоқда. Айниқса, маҳалланинг таълимтарбия сифатини оширишда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, 9-синфни таомомлаётган ўқувчиларни коллеж ва лицейларга тўлиқ қамраб олиш, қизларнинг касбхунар эгаллашига яқиндан кўмаклашишдаги ўрни ошиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва мъанавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови ўтказилди.

Унинг очилишида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маҳалла институтининг мавқенини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада таомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги

ўрни ва таъсирини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаши. Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса Обод турмуш йили янада катта имкониятлар эшигини очди.

Танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ижтимоий шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, фуқаролар йигинлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик комиссияларининг фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, “Обод турмуш йили” давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар чуқур ўрганилди. Улар орасидан саралangan ўн тўртta энг намунали маҳалла мамлакат босқичида иштирок этди.

Улар яқинда пойтахтимиздаги “Туркестон” саройида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” республика танловининг якуний босқичида беллашдilar.

Тадбирда вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Тадбир давомида маҳаллалар ҳаёти, иш фаолиятига оид хужжатлар, хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Тошкент шаҳри Олмазор туманинди “Аҳил” маҳалла фуқаролар йигини танловда биринчи ўринга сазовор бўлди. Фаргона вилояти Ўзбекистон туманинди “Нурсуҳ” маҳалла фуқаролар йигини иккичи, Андикон вилояти Жалақудук тумани “Қўртқи” маҳалла фуқаролар йигини учинчи ўринни эгаллади. Голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бугунги кунда фуқаролик институтлари демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари ҳамда конуни манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва хуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда, – дейди танлов голиби Олмазор туманинди “Аҳил” маҳалла фуқаролар йигини раиси Абду-

холик Ваҳобов. – Танловда фуқаролар ийғинларида хужжатларни юритиш, ишларни ташкил этиш, оиласи бизнесси ривожлантириш борасида катта тажриба ўргандик. Ортирган тажрибамиз бу ўйналишдаги ишларни янада ривожлантириш, маҳалланинг нуғузини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

– Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларида маҳалланинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради, – дейди танловнинг иккичи ўрин голиби Ўзбекистон туманинди “Нурсуҳ” маҳалла фуқаролар йигини раиси Азизбек Ўринбоев. – Танловда кўплаб ҳамкасларимиз фаолияти билан танишдик. Бу ерда ўрганганимиз, тажрибамизни бойитганимиз келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини янада такомиллаштиришда ушбу тадбир катта хизмат қиласи, – дейди танловнинг учинчи ўрин соҳиби Жалақудук тумани “Қўртқи” маҳалла фуқаролар йигини раиси Олимжон Зокиров.

Тадбирда вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Тадбир давомида маҳаллалар ҳаёти, иш фаолиятига оид хужжатлар, хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.


Тошкент шаҳри Олмазор туманинди “Аҳил” маҳалла фуқаролар йигини танловда биринчи ўринга сазовор бўлди. Олти йил мобайнида худудимизда хуқуқбузарликлар умуман қайд этилмади. Мазкур тадбирда эътироф этилганимиз бизга катта рағбат бўлди. Бу ерда маҳаллани “Оиласи бизнесс маркази”га айлантириш, иш ҳужжатлари ҳамда фаолият кўрсаткичларини мукаммаллаштириш, фаолиятда қонунилини таъминлаш борасида бошқа маҳаллаларнинг тажрибаси билан яқиндан танишдик. Йигинларнинг аҳолини қўллаб-куватлаш, бандлигини таъминлаш борасида хайрли ишлари бошқаларга ҳам ўрнак бўлади.

Тадбирда таникли санъаткорлар ва болалар ижодий жамоатлари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosарлари А.Икромов, Э.Боситхонова иштирок этди.

Анвар КУЛМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Олтин шингили үзумлар олтин кубокка арзиди



Украинанинг Симферополь шаҳрида бўлиб ўтган
“Узумнинг олтин шингиллари – 2013”

(“Golden Bunch of Grapes – 2013”) халқаро кўргазмасида
ўзбекистонлик фермерлар 17 хил узум нави билан
катнашиб, тадбирнинг олтин кубоги соҳиби бўлишиди.

Андижон вилояти Хўжаобод туманинди “Мадиёров боғлари” агрофирмаси узумзорида етиштирилган “Оқ ҳусайн”, “Кетмон сопи”, “Андижон қора”, “Ризамат ота”, “Нимранг кишиши”, “Овалсимон оқ кишиши”, “Келин бармоқ” навлари чет эллик эксперт ва фермерлар томонидан юқори баҳоланди.

Ҳамюрларимиз халқаро кўргазма давомида узумни парваришилашда касаллик ва зараркунданаларга қарши кўлланиладиган кимёвий во-

ситалар, маҳсулотни йиғиб-териши даврида ишлатиладиган замонавий ускуналар, узумни қайта ишлаш бўйича илғор минитехнологиялар билан яқиндан танишдилар. Саноатбоп узум етиштириш, суғоришида замонавий технологиялардан фойдаланиш, катта ҳажмдаги майиз куритиш мосламаларини синовдан ўтказиш каби масалалар бўйича хорижлик ҳамкаслари билан фикр алмашдилар.

Нурилло НЎЙМОНОВ



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Бухоро Вилояти

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР - ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ, ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ҲАР ДОИМ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЭСА БУ МАСАЛА ЯНАДА МУҲИМ САНАЛАДИ.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиали қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, уларнинг илмий асосланган агротехнологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни озиқлантириш, сугориш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёnlарига таъсир этувчи омилларни илмий асосда ўрганиш ҳамда турли хил касаллик ва зарапкунандаларга қарши курашиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борувчи илмий даргоҳ ҳисобланади.



навларидан ҳўжалик ва иқти-содий кўрсаткичлари жихатдан устун турди. 2005-2009 йиллар давомида ушбу нав Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида экилиб, сифатли ҳосил етиширилди ҳамда то-ласининг нархи турдош навларга нисбатан 22,1 фоиз юқори баҳоланди.

Шунингдек, илмий муассаса-самиза тезлишар, юқори сифатли, серҳосил, экстремал шароитларга бардошли ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ўрта толали “Бухоро-103” фўза нави яратилиб, жорий йилда Давлат нав синовига топширилди.

А.Батталов ва бошқа илмий ходимларимиз ҳамкорлигига институтимизда яратилган янга бир янги — “Бухоро-9” фўза нави хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Нав ўзининг вегетатив ва генератив органларида заҳарли алколоид — гассипол моддаси йўқлиги билан бошқа барча фўза навларидан фарқланади. Аксинча, фўзанинг чигити мағзидан аминокислоталар, глюкозид, фосфатид ва дармондориларга бой бўлган бир неча турдаги экологик тоза маҳсулот олиш мумкинлиги билан диккатга сазовордир. Эътиборлиси, ҳосилдорлиги, то-ласининг сифати ва бошқа кўрсаткичлари билан турдош навлардан қолишмайдиган “Бухоро-9” фўза навидан экстракция қилинмайдиган истеъмол ёғи билан бир қаторда инсон ва ҳайвон организмлари учун ўта муҳим Оқсил уни ишлаб чиқариш мумкин. Ҳолбукни, қайта ишлаш саноатида техник ёғни истеъмол ёғига айлантириш (экстракциялаш) учун умумий ҳаражатнинг 45 фоизи сарфланади. Оқсил унининг таркиби эса қандолатчилик саноати учун четдан валюта ҳисобига харид қилинадиган “Арахис” ҳомашёси таркиби билан бир хил эканлиги аниқланган. Оқсил унидан фармацевтика соҳасида ҳам кенг фойдаланиш мумкинлигини инобатга олсан, навнинг алоҳида жихатлари янада кўпроқ намоён бўлади.

Юқоридагиларга асосла-ниб, ушбу навни тўқимачилик саноати билан бир қаторда табии тоза озиқ-овак билан қарши-да ҳам қимматбаҳо хомашё сифатида эътироф этиш мумкин. Шундай экан, жаҳон бозорида ушбу фўза навининг толаси билан бир қаторда чигити ҳам юқори баҳоланиши турган гап.

Бундан ташқари, институ-тимиз илмий ходимлари томонидан ҳозирги кунда экинларнинг ўсиши ва ривожланиши учун тупроқ таркибида зарур бўладиган озиқ модда-лар ҳамда микроэлементларни кўпайтириш, вилт касал-лигига чидамли ва баргини сунъий тўқтиришга ҳожат бўлмайдиган ингичка толали ҳамда турли хил табии рангларга эга фўза навларини яратиш, экологик мухитга салбий таъсир кўрсатмайдиган, тан-нархи арzon дефолиантлар ишлаб чиқариш каби йўна-лишларда ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий мутахассисларимиз томонидан нафакат пахтачилик, балки ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантиришга хизмат қиласиган янги экин навларини яратиш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

Чорва озука базасини мустаҳкамлашда кўл келадиган мак-кажхорининг “Ширбудин-1”, “Ширбудин-2”, “Ширбудин-3” навларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маҳаллий сули, арпа, треткалье, кунга-боқар, масхар каби қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва манзарали ҳамда шифобахш ўсимликлар навини яратиш бўйи-ча ҳам изланишлар давом этириляпти. Асосий максади-миз эса мамлакатимиз иқти-содиётини, халқимизнинг ризқ-рўзини яратадиган ми-ришкорларга камарбаста бўлишидир.

Маҳбуба ИКРОМОВА,
ЎЗПИТИ Бухоро филиали
директорининг илмий
ишлар бўйича ўринбосари.

Ўтган йиллар давомида ил-мий-тадқиқот институтимизда алоҳида қайд этиб ўтишга арзигулик, хусусан, агар соҳа-нинг етакчи тармоғи — пахта-чилик тараққиётига хизмат килувчи ютуқлар кўлга кири-тилди. Селекционер олим Аухат Батталов ва муассаса-мизнинг катта илмий ходими Саидумар Мақсудовлар томонидан яратилган “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” фўза навлари буғунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб ви-лояларидан экилиб, ўзининг бир қатор афзallиклари билан дехонларимиз ишончини қозониб бораётгани, айниқса, қуонарлидир.

Масалан, селекционер олим А.Батталов томонидан яратилган “Бухоро-6” фўза нави ўзининг барча кўрсаткичлари жи-хатидан жаҳон пахта бозори талабларига тўлиқ жавоб бериши ва Ливерпул биржасида эталон сифатида қабул қилинганига нафақат институтимиз, балки мамлакатимиз пахта са-ноатининг ҳам катта ютуғидир.

Муаллиф томонидан яра-

тилган “Бухоро-8” нави ҳам кўсагининг иириклиги, то-ласининг оқлиги, юқори ҳосилдорлиги, эртапишарлиги билан ажralди турди. Навнинг тола узунлиги республика “Сифат” лабораториясида таҳлил этилганда энг юқори кўрсаткич — 1,16-1,19 дюмни ташкил этди. 2007-2012 йилларга келиб, бу нав Бухоро вилоятида 94 минг, Қашқадарё вилояти ва Қорақалпогистон Республикасида 76 минг гектар майдонга экилиб, юқори ҳосил олиниди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич республикамиз бўйича 117 минг гектарни ташкил этди. Агротехник тадбирлар юқори даражада ўтказилган майдонларда навнинг ҳосилдорлиги гектарига 45-57 центнерга тўғри келяпти.

Умуман олганда, жорий йилда “Бухоро” фўза навлари вилоятимиздан ташқари Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпогистон Республикасида экилди.

Юртимизда анъанавий ўтка-

зид келинаётган Ҳалқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ямаркасида ҳам институтимизда яратилган “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” фўза навлари тола узунлиги ва бошқа техник кўрсаткичлари билан энг юқори рейтинг балларига эга бўляпти. Мазкур навлардан олинаётган пахта ҳомашёси ўзининг тозалиги, оқлиги, тола чиқиши ва унинг чигитдан ажralиши каби кўрсаткичлари юқорилиги билан ҳам саноатчиликларига талабига тўла мос келмоқда. Айнан шу жихатлари сабаб, ушбу фўза навларининг толаси жаҳон пахта бозорида бошқа навларга нисбатан 10 фоиз қиммат нарҳда баҳоланди. Бундай ижобий кўрсаткич мамлакатимиз иқти-содиётини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

А.Батталов томонидан яратилган I-тип А тоифага мансуб ингичка толали “Бухоро-7” ва “Бухоро-7/1” фўза навлари ҳам шу каби самарали изланишлар натижасидир. Бу нав ўзининг андоза ва синалаётган бошқа ингичка толали фўза

димлари олдига қўйган асосий талаби пахтани тола сифатида сотиш қаторида тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ҳолиди жаҳон бозорига чиқариш саломоги-ни янада оширишидир. Шу боис, мамлакатимизда замонавий тўқимачилик корхоналари фаолиятини ривожлантириш, янгиларини ташкил этиш ишларига жиддий ўтибор қаратилиб, бу борадаги лойиҳалар ҳар жихатдан кўллаб-куватламоқда.

Самарқанд шаҳридаги “Daka tex” корхонаси ҳалқаро стандартларга мос

замонавий технологиялар билан жи-хозланган бўлиб, иилига тўрт минг тоннадан ортиқ толани қайта ишлаш кувватига эга. У ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган.

— Корхонамиз фаолият бошлаган дастлабки йилларда кунига 7-7,5 тонна ип-калава ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 9-9,5 тоннани ташкил этмоқда, — дейди корхона бош директори Эжод Сулейманов. — Маҳсулот асосан экспортга йўналтирилиб, Хитой, Россия, Туркия, Украина ва бошқа давлатлардаги буюртмачиларимизга етказиб берилмоқда. Ўтган йили қарийб 9,5 миллион АҚШ долларирига тенг маҳсулот сотилди. Жорий йилда бундан-да салмоқли натижага эришишни кўзлаяпмиз. Ишлаб чиқариш технологияларининг босқичма-босқич янгилаш борилаётгани ва кўшимча ускуналар ўрнатилаётгани ана шундай дейишишимизга асос бўлади. Жумладан, бу йил цехларимизда ўнга яқин янги кўшимча ускуналар ўрнатилди.

Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб корхонада тайёрланаётган ип-калавадан мато ишлаб чиқариш ҳам йўлга кўйилди. Бугунги кунда ушбу маҳсулот асосан юртимиздаги тўқимачилик корхоналарига етказиб бериладиган бўлса, келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали экспортга чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, корхонада турли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам истикболли лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхона ҳар йили Ҳалқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ямаркасида ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, хорижий компания ва фирмалардан буюртмалар қабул қилмоқда. Корхона жамоаси бу йилги ярмаркада ҳам янги турдаги маҳсулотлари билан иштирок этиб, буюртмачилиари сафини кенгайтиришини ре-жалаштирумокда.

Ақбар ҚАРШИЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Самарқанд Вилояти



Мамлакатимизда етиширилаётган пахта толаси ўз сифати, пишиклиги ва бошқа жихатлари билан дунё бозорида мустаҳкам ўринга эга. Жаҳондаги етакчи тўқимачилик компанияларининг ўзбек толасига талаби қай даражада юқорилигини Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳалқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ямаркасининг нуфузи ортиб, катнашчилари сафи кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг соҳа хо-

Қарақалпоғистон Республикаси

ФАОЛИЯТДА ҲАЛОЛЛИК БЎЛСА, ИШДА БАРАКА БЎЛАДИ

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини тъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улардан тўғри ҳамда оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар ҳам ўз корхонаси ривожи, ҳам юртимиз иқтисодиётининг равнақи учун муносаб ҳисса қўшишмоқда. Аксинча, фаолиятини яширин тарзда, ноқонуний йўлга қўйиб, шу орқали даромад кўриш илинжида бўлганлар ҳам борки, уларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари қонуний чоралар қўллашга ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2013 йил 31 майдаги «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган соликни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бу борадаги муносабатларни тартиба солишда мухим аҳамият касб этмоқда.

Низомга кўра, қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солик хизмати органлари ходимлари белгиланган тартибда маъмурӣ хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштириб, мазкур Низомнинг 1-илювасига мувофиқ икки иш куни давомида қатъий белгиланган соликнинг ийлилк суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани хукуқбузарга тақдим этади. Шунингдек, agar жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи унинг доимий яшаш жойидан фарқ қиласа, Низомнинг 2-илювасига мувофиқ икки иш куни да-

вомида тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни қатъий белгиланган соликнинг йиллик суммасини хисоблаш учун жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солик хизмати органига юборилади.

Бундан ташқари, Низом талабларига асосан жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолати аниқланган санадан бошлаб ўтиз кун ичда қатъий белгиланган солик суммасини тўлаши ёки ушбу муддат давомида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

— Мазкур Низом ижроси юзасидан Қарақалпоғистон Республикаси Давлат солик идоралари томонидан бир катор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Қарақалпоғистон Республикаси Давлат солик бошқармаси Жисмоний шахсларга солик солиши бўлими бошлиғи П.Нуриллаев.

— Жорий йилнинг июнь ва июль ойлари давомида республика миқёсида ўтказилган рейд текширишлари натижасида жами 646 та хукуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. 349 нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2011 йил 7 январдаги «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда янги қабул қилинган Низом талабларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятига тўғри келадиган фаолият турлари билан шуғулланётган жисмоний шахслар сифатида қайд этилиб, уларнинг барчасига қатъий белгиланган соликнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисида талабномалар тарқатилган. Бугунги кунда ушбу жисмоний шахсларнинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Мисол тарикасида айтадиган бўлсан, Конникўл тумани ДСИ ходимлари томонидан 2013 йилнинг 13 июнь куни ўтказилган рейд текширувleri давомида ушбу туманда истиқомат қилувчи фуқаро Клара Тилеўниязова тегиши хужжатларсиз, давлат рўйхатидан ўтмасдан тикивчилик цехи очиб, фаолият юритаётганилиги аниқланган. Натижада мазкур ҳолат бўйича ДСИ ходимлари томонидан тегиши тартибда хужжатлар расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисида талабнома берилган. Олиб борилган сайди-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, фуқаро К.Тилеўниязова якка тар-

тибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини қонуний равишда йўлга қўйишга эришган.

Тўрткўл туманида яшовчи фуқаро Ўткир Арислановнинг ҳам тадбиркорлик фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, унга нисбатан Тўрткўл тумани ДСИ ходимлари томонидан жорий йилнинг 8 июль куни давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисидаги талабнома берилган эди. У ҳам бугунги кунда фаолиятига доир хужжатларни тегиши тартибда расмийлаштириб, ўз фаолиятини қонунбузилиш ҳам тадбиркорлик меъёрлар асосида давом эттироқда.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган мазкур Низом ўзининг мазмун-моҳияти жихатидан мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қонун доирасида иш олиб боришини тъминлаш баробарида уларнинг баркарор фаолият юритишига, юртимизнинг иқтисодиётини ривожланишига муносаб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Албатта, бунинг учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир фуқаро эл-юрт манфаатини ўз манфатидан устун қўйиши, бу борадаги меъёрий-хукукий хужжатларга амал қилган ҳолда ўз ишини ташкил этиши лозим. Зоро, фаолиятида ҳалоллик бўлган тадбиркорнинг ишида ривож, топганида барлади.

Мавлуда ЧИМБЕРГЕНОВА,
Қарақалпоғистон Республикаси
Давлат солик бошқармаси Ахборот
хизмати бош мутахассиси.


ОГОХЛИККА ЧОРЛАГАН «Қадамлар»

Одам савдоси. Бугунга келиб инсониятни жиддий ташвишлантариётган глобал муаммолардан бирига айланган бу иллатга қарши ҳар бир давлатда, умуман, дунё миқёсида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилишига қарамай, у ҳар йили миллионлаб инсонларни ўз домига тортиб, аянчли қисматга гирифтор этаётir.

Халқaro эксперталарнинг маълумотларига кўра, йилига ўртача 2,7 миллион киши одам савдоси курбонига айланмоқда. Бутун дунё бўйича ҳар йили 600 мингдан 800 минггача аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижга олиб кетилади. Уларнинг аксариятини фохишаоналарга сотилган аёллар ва вояга етмаган болалар ташкил этади. Кейнги йилларда одам савдоси жаҳон оммасини ташвишга соглан халқaro терроризм, экстремизм, наркобизнес каби глобал муаммолар каторидан ўрин олди.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг мустаҳкам хукуқий базаси яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Қолаверса, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилган, хукуқий хужжатларни мазкур жиноят билан шуғулланувчиларга нисбатан жазо тайинланиб, жазонинг муддатлари қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу иллатнинг салбий, аянчли оқибатларини одамларга тушунтириш, уларни огохликка қақириш мақсадида турли тарбибот-ташвиш котусулларидан фойдаланилмоқда. Айниқса, бу жараёнда кино санъатининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, юртимизда одам савдосининг аянчли оқибатларини таъсирчан



усула кўрсатиб бериш, юртимиздаги тинч-осойишта кунларнинг, мавжуд имкониятларнинг қадрига этиш, одамларни ҳак-хукуқини билишга чорлашга қаратилган қатор фильмлар яратилмоқда.

Куни кечга тақдимоти бўлиб ўтган «D.Vision.Pro.» ҳамда «Lola Film» киностудиялари ижодкорлари томонидан суратга олинган «Қадамлар» деб номланган бадиий фильмда ҳам бутун башариятни ташвишлантариётган долзарб муаммо — одам савдоси ва унинг домига тушиб қолганларнинг аянчли қисматлари маҳорат билан ёритилган. Салқам бир йил давомида суратга олинган ушбу фильмға «Lola Film» киностудияси директори Умар Йўлдошевга тегиши. Сценарий Абдуқоюм Йўлдошев ва Озод Шамсиддинов хаммуяллифлигида ёзилган. Режиссёр Озод Шамсиддинов, тасвиричি Дилшод Азимов.

Ушбу фильм ижодкорларининг аксариятини дебютантлар ташкил этишига қарамай, ижро, тасвир ва умуман барча жараёнларда қатор ютуқлар кўзга ташланади. Бу, аввало, сценарийнинг пишиқлиги ҳамда режиссёр ва актёrlар ансамблиниң маҳорати билан изоҳланади. Режиссёр Озод Шамсиддинов учун бу дастлабки профессионал иш ҳисобланади. Бош роль ижрочиси Шерали Ортиков ҳам дебютант бўлишига қарамай, ўз қаҳрамонининг ички ва ташки

кечинмаларини маҳорат билан очиб берган. Шунингдек, таникли актёrlар — Мухаббат Абдуллаева, Шоҳида Исмоилова, Феруза Мелибоева, Сайфиддин Мелиев ҳамда ёш умидли актёrlар Арслон Есенов, Акмал Назаров ва Самиддин Лутфуллаев ижроси ҳам томошабинларда илиқ таассурот қолдири.

Ушбу актёrlар томонидан фильмда жиноятчиларнинг ширин ваъдасига учиб, оғир меҳнат шароитига тушиб қолган ёш йигитларнинг бошдан кечиргандари, чет элни орзулаган ва кейин афсус-надоматлар чеккан қизларнинг аччиқ изтироблари, фарзандини кўзлари тўрт бўлиб кутаётган, мудҳиш хабардан сўнг қалби вайронага айланган онанинг ҳолати маҳорат билан, фоят таъсирчан усула кўрсатиб берилган. Фильм ижодкорлари бу билан хаммамизни яна бир бор огохликка, ҳушёрликка, бугунги тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига етиб, яратиб бериладиган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда хотиржам ҳаёт кечиришга чакиради. Инсон шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун эканини эслатади.

Ушбу иллатга қарши фақатгина хукуқни муҳофаза қилувчи органларгина эмас, барчамиз бир тану бир жон бўлиб курашишимиз лозимлигини уқтиради.

Отабек Йўлдошев

ЭЪЛОН
ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ТАШБОЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Реконструкция систем водоснабжения сельских населенных пунктов КФИ Кориз СНП Халқберди Пскентского района Ташкентской области».

Стартовая цена с НДС – 300 185 710 сум.

Стартовая цена без НДС – 250 154 758 сум.

Срок строительства – 4 мес.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн.сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет Госбюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным тorgам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Инженерная компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект А.Темура 17.

Тел: 236-06-95.

